ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ

Фуркат Туракулович Ражабов
Чирчиқ давлат педагогика институти
География кафедраси мудири, география фанлари бўйича фалсафа доктори

Ойбек Уралович Абдимуротов
Чирчиқ давлат педагогика институти
География кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил қилишда янги педагогик технологиялар, хусусан "Кейс-стади" технологияси ва модулли таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари куриб чиқилган ва улар асосида ташкил этилган амалий машғулот дарсларининг натижалари ёритилган.

Калит сўзлар: география, табиий география курслари, амалий машғулот, янги педагогик технологиялар, "Кейс-стади" технологияси, модулли таълим технологияси

METHODOLOGY OF APPLICATION OF NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE ORGANIZATION OF PRACTICAL TRAINING IN COURSES OF NATURAL GEOGRAPHY

Furkat Turakulovich Rajabov
Doctor of Philosophy in Geography, Head of Department of Geography, Chirchiq State Pedagogical Institute

Oybek Uralovich Abdimurotov
Teacher of the Department of Geography of Chirchik State Pedagogical Institute
E-mail: o.abdimurotov@cspi.uz

ABSTRACT

The article considers the possibilities of using new pedagogical technologies in the organization of practical training in natural geography courses, in particular, "Case-study" technology and modular educational technologies, and describes the results of practical training courses organized on their basis.

Keywords: geography, natural geography courses, practical training, new pedagogical technologies, case-study technology, modular educational technology

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълимнинг барча босқичларида ислоҳ қилишни асосий вазифа қилиб белгиланган. Ислоҳ қилишнинг энг муҳим томонларидан бири - ўқув тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ҳисобланади. Бугунги кунда ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши барча соҳалар каби таълим соҳасида хам янги талабларни қўймоқда. Ҳозирги кунда жорий қиланаётган янги педагогик технологияларнинг асосий вазифаси ўқувчи ва талабаларга бериладиган билимларни ўзлаштирилишининг самарадорлигини оширишдир. Шундай экан ахборот технологияларидан фойдаланиб педагогик технологияларни қўллаган ҳолда дарс машғулотларини ўтиш, уларни олий ўқув юртларида дарс жараёнида қўллаш зарур ҳисобланади. Бунинг учун ҳозирги кунда педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига қўллаш учун ҳар бир олий ўқув юртлари етарли даражада техник базалар билан таминланган.

Ёш авлод замонавий билим ва тажрибага эга бўлишлари керак. Бунинг учун таълим соҳасида, жумладан, олий таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. Бу борада олий таълим муассаларида ўқитиладиган фанлар ичида география, хусусан, табиий география фани ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунки, география фани-энг қадимги, шу билан бирга, энг ёш фан ҳисобланади. Энг қадимлилиги шундаки, милоддан аввалги III-II асрларда яшаган Эротасфен география фанига замин яратган. Давр талабига мос равишда, янги маълумотлар асосида доимо ҳам мазмунан, ҳам моҳиятига кўра бойиб бориши географиянинг ёш фан эканлигига далил бўла олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда география таълими соҳасида М. Набихонов, О.Мўминов, Т.Абдуллаева, П.Мусаев, М.Юнусова, Р.Қурбонниёзов, Ҳ.Ваҳобов, П.Баратов, Ў.Сафаров, П.Саидов, Р.Гайпова, А.Хайитов, М.Абдурахманов, Х.Никадамбойева ва бошқалар педогогик технологияларни қўллаш ва географик технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий методик ишларни амалга оширганлар.

Дедуктив, таҳлил, қиёслаш, асосий ғояни ажратиш, умумлаштириш.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланган. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари

миллий ва халқаро таълим муҳитида соҳа мутахассислари даражасини янада ошириш, ўқитишни такомиллаштириш мақсадида янги педогогик технологиялар орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларидан комплекс фойдаланишга аҳамият қаратилмоқда.

МУҲОКАМА

Янги асрнинг долзарб муаммоларидан бири-табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳосиласи бўлган геоэкалогик муаммолар ҳам табиий географиянинг текшириш объектига айланди. Шуни ҳисобга олган ҳолда инсонларнинг хўжалик фаолятини табиатда содир бўлаётган нарса ва ҳодисаларнинг асосий омили тариқасида тадқиқ этиш ҳам табиий географиянинг асосий вазифаси хисобланади. Чунки, ер табиатининг кейинги тараққиёти, унинг тақдири инсонларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Дарҳақиқат инсон табиатни шиддат билан уни забт этиш мақсадида унинг ичига кириб борди. Лекин, қайтиб чиқишда ўзидан кейин чўлларни, экалогик таназзулли минтақаларни қолдирди. Инсонни яратган ва ундан озор чекган она табиат ҳам инсонларнинг соғлигига ва иш фаолиятига кучли салбий таъсир эта бошлади.

Табиат ва жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро алоқаларни фақат ягона соф географиягина еча олиши мумкин. Негаки, ягона географиянинг ўз тадқиқот объекти, илмий асоси, тадқиқот методлари ва амалий аҳамияти бор. Қушлар икки қанотсиз уча олмаганидек ягона соф географияни унинг икки тармоғи: табиий ва иқтисодий географияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам “географиядан қизиқарли ва энг оммабоп фанни топиш қийин” деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги экалогик, табиатни мухофаза қилиш, табиатни асраш, тиклаш ва бошқаришни, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш каби маҳаллий, минтақавий ва дунёвий муаммоларни ечишда география фанининг аҳамияти беқиёсдир. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда, баркамол авлодни вояга етказишда география, жумладан табиий география муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳозирги илмий-техника тараққиёти даврида ҳар кайси фан ўзининг асрлар давомида тўпланган жуда катта ҳажмдаги билимларини кун сайин табора орттириб бормоқда. Бундай тез суръатларда ошиб бораётган маълумотлардан инсонларни ҳеч қачон дунё миқёсида барча ахборотларни ўзлаштира олмаслиги кўриниб турибди. Шунинг учун бугунги таълимнинг долзарб масаласи жамият аъзолари, айниқса ёш авлодни фан-техника тараққиётидан орқада қолиб кетмаслиги учун унга ҳозирги фаннинг асосларини ўзлаштиришига имкон берадиган шарт-шароит яратиб беришдан

иборат. Бундан ўқувчиларни маълумотли қилиш ва тарбиялаш, улар онгини ривожлантириш мақсадлари индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини ва ахборот ҳажмини танлаш, уни таълим олувчилар имкониятларига уйғунлаштириш зарурияти келиб чиқади.

Замонавий таълимнинг асосий мақсади «ўқувчи (талаба) - дарслик (ўқув материали) - ўқитувчи» тизимида талабанинг мустақил билим олиш орқали кўникма ва малака ҳосил қилиш, ижобий фикрлашга ўргатиш муҳим хисобланади. Табиий география дарсларида кўпроқ талабаларни эркин ва мустақил фаол ишлашга ёрдам берадиган амалий машғулотларни ташкил этиш лозим. Бунинг учун эса, янги педагогик ва ахборот технологияларини ҳамкорликда қўллаб ўқитиш методикаси беқиёс катта имкониятларга эга.

Бугунги кун фани, техникаси ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, таълимда назария билан амалиёт бирлиги ҳамда таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялашувининг талаблари, талабаларнинг мустақил фаол ва онгли меҳнатга асосланган, уларнинг ижодий фаолиятларни рағбатлантирадиган, тафаккурини ривожлантирадиган, шунинг билан бирга вақтни тежайдиган, билим олишни енгиллаштирадиган замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий педагогик технологияларни олий таълим муассасаларида ўқитиладиган география, хусусан табиий география дарсларида қўллашнинг имкониятлари катта. Бизга маълумки, география фани Ер юзаси табиати, ахолиси ва унинг хўжалик фаолиятини ўрганадиган бўлса, табиий география фани эса, географик кобиқда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ўзгариш сабабларини комплекс ўрганувчи фан ҳисобланади. Шу сабали бу фанга барча инсонларнинг қизиқишлари баланд. Ушбу фан ютуқларини, уларнинг географик жиҳатларини ўқувчиларга этказиб беришда замонавий педагогик технологияларни ҳамда уларнинг метод ва усулларини дарс жараёнига кенг жорий этиш ҳозирги кун давр талаби ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида табиий география курсларда амалий машғулотларни ташкил этишда янги педагогик технологиялардан ҳисобланган "Кейс-стади" ва модулли таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

"Кейс-стади" технологиясининг мазмун-моҳияти шундаки, унинг асосини аниқ вазият ёки ҳодиса ташкил этади («case» - ҳодиса). Шунинг учун, биринчидан, таҳлил

этилаётган ҳодисада реал ҳаётий вазият акс этиши керак, иккинчидан, бу вазиятда ҳали охиригача ҳал қилинмаган, яширин муаммо ёки бир нечта муаммолар бўлиши зарур.

"Кейс-стади" билан ишлаш жараёнида дарсда берилган маълумотлардан ташқари қўшимча ахборотлар ҳам талаб этилади. Бу ахборотлар билан ишлаш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда хулоса чиқаради, муаммоли вазиятни ҳал этиш бўйича ўз таклифларини беради.

"Кейс-стади" технологияси интерфаол технологиялар сирасига киради. Чунки у ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги "субъект - субъект" муносабатлари орқали амалга оширилади. Яъни ўкувчи таълим олишнинг фаол субъектига айланади, унда жамоа билан ҳамкорликда ишлаш, ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланади.

Энг муҳими, "Кейс-стади" технологияси ўқув фазосидан ташқарига қаратилган бўлиб, ўқувчиларни ўзлари эгаллаётган касб билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йўналтиради, касбий мотиватсияни шакллантиради.

Ўқитувчи учун "Кейс-стади" технологиясини қўллаш бир қанча қийинчиликларни туғдириши мумкин. Энг аввало, бу технология ўқитувчидан танқидий тафаккур ва ижодий фаолиятни, қолаверса, "Кейс-стади" технологиясини ишлаб чиқиш кўникмасини ривожлантириш учун ўз устида доимий ишлаш, фан бўйича янги ахборотларни тўплаш, чет эл тажрибаларини ўрганишни талаб этади.

Географияни ўқитишда модулли таълим технологияларидан фойдаланишда дарсда фойдаланиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрли қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни талабалар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Шу ўқув топшириқлари асосида, ҳар бир модуль якунида савол-жавоб ўтказилади ва хулоса чиқарилади. Фан, боб, бўлим ва мавзу айрим модулларга бўлинади. Ҳар бир модулда ўқувчилар албатта эгаллаши лозим бўлган билимлар тизими аниқланади. Масалан, “Қуруқлик релъефи” (“Умумий Ер билими” курси) мавзусини қуйидаги модулларга бўлиш мумкин: релъеф ҳосил қилувчи омиллар, релъеф хусусиятлари, релъеф турлари, текисликлср ва тоғлар. Бунда талабалар албатта билиши лозим бўлган билимларга релъеф, релъеф ҳосил қилувчи эндоген ва экзоген омиллар ва уларнинг хусусиятлари, текисликлар, уларнинг турлари ва тарқалиши, тоғ тизмалари, уларнинг қисмлари, баландлигига кўра турлари, жойлашган ўрни, тармоқлари, қадимги ва ёш тоғлар, тоғ оралиқ

ботиқлари жойлашган ўрни ва хусусиятлари киради. Мазкур технологияни география предметларининг барчасида қўллаш мумкин.

Модулли таълим технологияси ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятини енгиллаштиради. Унда таълим моҳияти тугалланган мустақил комплекслар (маълумот блоклари) шаклида бўлиб, уларнинг ўзлаштирилиши таълим мақсадларига биноан амалга оширилиши лозим. Дидактик мақсад фақат талаба учун шакллантирилб, унинг ўзлаштириш даражасини ҳам ўз ичига олади.

Олий ўқув юрти "География ўқитиш методикаси" таълим йўналишида бўлажак мутахассисларга география таълими оддийдан мураккабликка томон бир-бирини тўлдирадиган ҳолда жойлаштирилган. Ҳар бир география предмети бир-бири билан боғланган географик қобиқ, унинг таркибий қисмлари, қонунияталри ва географик хусусиятлари ҳамда аҳоли, аҳолининг жойлашиш қонуниятлари, хўжалик ва уни жойлаштириш қонуниятларини очиб беради. Шунинг учун бир-бири билан боғлиқ бўлган борлиқ, воқеа ва ҳодисалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар тизимига географик модуллар деб аталади. Ҳар бир модуль янада майда мезо ва микромодулларга бўлиниб кетади. Агар олий ўқув юрти "География ўқитиш методикаси" таълим йўналишида география предметларини битта модуль деб қарайдиган бўлсак, география фанлар тизими алоҳида мезомодуль, ҳар бир курсдаги мавзулар эса микромодулъ бўлиши мумкин.

Модулли таълим технологияси ўқувчиларнинг иқтидори, қизиқиши, билим савияси, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва орттириш, дарслик устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини, ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш, ўзаро ҳамкорликда ўқув топшириқларини бажариши ва муаммоларни ҳал этиши, ўзаро назоратни амалга ошириш кўникмаларини ривожлантиради.

Географияни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг сифат ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ўтказиш учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг "География ўқитиш методикаси" йўналиши 19/1, 18/1-гуруҳлари танлаб олдим ва мазкур гуруҳни 2 та кичик гуруҳга бўлгна ҳолда, 1-кичик гуруҳни назорат гуруҳи, 2-кичик гуруҳни тажриба гуруҳи сифатида танладим. Тажриба-синов ишлари "География ўқитиш методикаси" йўналиши учун мутахассислик фанлари ҳисобланган "Умумий Ер билими" (1-курс) ва "Материклар ва океанлар табиий географияси" (2-курс) танланди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида 19/1-гуруҳда "Умумий Ер билими" курсининг "Географик кашфиётларнинг асосий тарихий даврлари", "Эр

тўғрисидаги асосий маълумотлар” ва “Қуруқлик релъефи” мавзуларни модулли таълим технологияси асосида амалий машғулотлар ўтказилди. Тажриба-синов ишлари даврида самарадорликни аниқлаш мақсадида тестлардан фойдаланилди. Тажриба-синов ишларининг натижаларини қуйида келтирамиз.

(Гуруҳга нисбатан ўртача ўзлаштириш кўрсатгичи фоиз ҳисобида)

1-мавзу натижалари		2-мавзу натижалари		3-мавзу натижалари	
19/1-А назорат гуруҳи	**19/1-Б тажриба гуруҳи**	**19/1-А назорат гуруҳи**	**19/1-Б тажриба гуруҳи**	**19/1-А назорат гуруҳи**	**19/1-Б тажриба гуруҳи**
64,3	76,5	66,8	72,6	70,6	78,2

2-курсларда тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида 18/1-гуруҳда “Материклар ва океанлар табиий географияси” курсининг “Африка материги релъефи”, “Африка материги иқлими ва иқлим минтақалари” ва “Африка материги ички сувлари” мавзуларини "Кейс-стади"технологияси асосида амалий машғулотлар ташкил этилди. Тажриба-синов ишлари даврида самарадорликни аниқлаш мақсадида тестлардан фойдаланилди. Тажриба-синов ишларининг натижаларини қуйида келтирамиз.

1-мавзу натижалари		2-мавзу натижалари		3-мавзу натижалари	
18/1-А назорат гуруҳи	**18/1-Б тажриба гуруҳи**	**18/1-А назорат гуруҳи**	**18/1-Б тажриба гуруҳи**	**18/1-А назорат гуруҳи**	**18/1-Б тажриба гуруҳи**
68,7	74,3	71,2	78,8	73,4	81,5

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўқитувчи ўз касбига ижодий ёндашиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб амалий машғулот дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиб ташкил этилса дарс самарадорлиги ва талабаларнинг ўз касбига бўлган қизиқиши ортиб боради.

ХУЛОСА

Табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил этишда турли ва замонавий педогогик технологиялардан фойдаланиш дарсларни жонли ташкил этишга олиб келади, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтиради, дарс самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг мазкур фан бўйича эгаллаган

билимларини чуқурлаштиради ва кенгайтиради, билимга бўлган чанқоқликларини оширади, изланувчанликка, хозиржавобликка, чаққонликка, тадбиркорликка, тежамкорликка ўргатади, илмий дунёқарашини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшади.

Олий таълим муассасаларининг табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил этишда дарс самарадорлигини янада ошириш мақсадида янги педогогик технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминоти имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Tojieva Zulxumor Nazarovna, Dusmanov Farhod Azamqulovich, Muhamedova Nazokat Jurayevna, & Haydarova Surayyo Abdusalomovna (2016). Mustaqillikdan keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisining o'limi va umr ko'rish davomiyligi. Evropa ilmiy sharhi, (3-4), 24-27.
2. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
3. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences, (1).
4. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
6. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
7. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
8. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.

9. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
10. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Шерзод Иброимов, Маҳмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481.
15. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).